# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 16 YANVAR, JUMA, 8 (7469) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


**Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Сингапур Республикасининг С.Ражаратнам номидаги Халқаро тадқиқотлар мактаби, Сингапур сиёсий зўравонлик ва терроризмни ўрганиш маркази билан ҳамкорликда "Терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг замонавий усуллари ва методлари" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тингловчилари, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати органлари ва банк муассасалари ходимлари иштирок этган анжуманда терроризм глобал миқёсдаги муаммолардан бирига айлангани ва унга қарши курашиш халқаро муносабатлардаги энг муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

Конференцияда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида терроризмга қарши курашиш бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур ҳужжатларда терроризмга трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг энг хавфли тури сифатида ёндошилиб, унинг барча кўринишларининг олдини олиш ва бартараф қилишга қаратилган механизм ва чоралар кўзда тутилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида терроризмга қарши курашувчи махсус бўлинмалар самарали фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз парламенти томонидан терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қатор халқаро конвенциялар ратификация қилинган.

Анжуманда терроризмнинг пайдо бўлиш тарихи, ҳозирги вақтда фаолият кўрсатаётган террористик гуруҳлар, терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

С.Ражаратнам номидаги Халқаро тадқиқотлар мактаби, Сингапур сиёсий зўравонлик ва терроризмни ўрганиш маркази олимларининг терроризмга қарши курашиш, уни молиялаштиришнинг олдини олиш борасидаги асосий тамойил ва йўналишлар хусусидаги маърузалари тингланди.

**(ЎзА)**

## ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР



Самарқанд туманида ўттиздан зиёд ҚВП фаолият кўрсатмоқда. "Оҳалик" қишлоқ врачлик пункти "Саломатлик-2" дастури асосида бунёд этилган масканлардан бири. У замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда 23 нафар малакали ходим аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

▲ **СУРАТДА:** *ҳамшира Баҳора АКРАМОВА.*

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

## ҲАРБИЙЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАСИ

Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари байрами кенг нишонланаётган шу кунларда Навоий вилояти ҳудудида ҳарбий хизматни ўтаётган бир гуруҳ ҳарбийларга янги уй калитлари топширилди.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Замонавий, профессионал армиянинг шакллангани, эл-юрт осойишталиги йўлида камарбаста бўлаётган ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш кўлами кенгайиб бораётгани бунинг муҳим омилларидандир.

Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида ўтган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди. Янги уйга эга бўлган ҳарбийлар давлатимиз раҳбари раҳнамолигида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан беҳад мамнун эканликларини таъкидладилар. Вилоят бадиий жамоалари иштирокида концерт дастури тадбирга янада кўтаринкилик бахш этди.

– Оила аъзоларим ва яқинларимнинг қувончи чексиз, – дейди кичик сержант Анвар Жумаев. – Барча қулайликларга эга янги уйли бўлдик. Бундай эътибор биз, ҳарбийларнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

*Навоий вилояти*

## ЧИҚИНДИЛАР ЧИҚИТГА ЧИҚАРИЛМАЙДИ

Фарғона вилоятидаги хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Янги йилнинг дастлабки кунларида вилоят марказида "Корея хана медикал инвест" қўшма корхонаси ишга туширилди.

Янги корхонага хорижий сармоядорлар томонидан 1 миллион 21 минг долларлик ишлаб чиқариш дастгоҳлари келтирилиб, қисқа муддат ичида ўрнатилди. Корхона асосан тиббиёт муассасаларида фойдаланиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда йилига 700 тонна атрофида пахта толаси қайта ишланади.

— Хомашё сифатида асосан тўқимачилик корхоналарида тўпланиб қолаётган чиқиндилардан

### Ҳамкорлик

фойдаланамиз, — дейди қўшма корхона иш юритувчиси Валижон Бадалов. — Вилоятимиз ҳудудидаги корхоналардан бундай хомашёни етарли миқдорда олиб туриш имкониятлари бор. Улардан келтирилаётган чиқиндилар пресслaниб, рулон ҳолатига келтирилади. Сўнгра маълум ҳажмда қирқилиб, маҳсулот тайёрланади.

Бу ерда ишлар икки сменада ташкил этилади. Шу туфайли шаҳар атрофидаги қишлоқларнинг 70 нафар аҳолиси ўз иш жойларига эга бўлдилар. Тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий қисмини Корея, АҚШ ва Россия каби мамлакатларга экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

**Музаффар МАМАТҚУЛОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Фарғона вилояти*

## Куннинг муҳим воқеалари

**○ "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамиятида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб чиқарилган почта маркалари тақдимоти бўлиб ўтди.**

○ Темурийлар тарихи давлат музейида «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. «Alfa-trening» ҳарбий-спорт ўқув интернати билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда давлат, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, сиёсий партиялар вакиллари, ҳарбийлар ва ўқувчи ёшлар иштирок этди.

**○ "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳридаги 130-мактабда таълим олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларига янги ўқув чораги бошида қишки кийим, пойабзал ҳамда спорт либосларини совға қилди.**

○ Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги Жарқирғиз қишлоғида бир кеча-кундузда 35 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга минизавод ишга туширилди. «Гранткварц» корхонасининг маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаси асосида бунёд этилган мазкур минизаводга ўрнатилган замонавий технологик линия тежамлилиги ва самарадорлиги билан мутахассисларга манзур бўлмоқда.

**○ Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунё футбол клубларининг 2008 йилдаги энг яхши мураббийлари рўйхатини эълон қилди. Халқаро ташкилот экспертлари томонидан танланган йигирма беш нафар бош мураббий қаторида Миржалол Қосимов ҳам бор.**

○ Наврўз – умумхалқ байрами ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Қалбимда Ватан мадҳи» кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи якунланди.

**○ Наманганда "Келажак овози" танлови ва "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали мамлакат босқичида ғолиб бўлган наманганлик ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

### ○ Бунёдкорлик

"Кўкдумалоқ-Газ" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси бош пудратчилигида Газли конида бунёд этилган компрессор станциясида технологик ускуналар синови ниҳоясига етказилиб, ишга тушириш-ростлаш жараёнлари амалга оширилаяпти.

## ГАЗЛИ КОНИДА ЯНГИ ҚУРИЛМА

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши Газли конидан фойдаланиш муддатини узайтириш ва қазиб чиқарилаётган газ ҳажми ўсишини таъминлаш имконини беради. Мазкур компрессор станциясининг лойиҳа қуввати бир кеча-кундузда 26 миллион кубометр газ ҳайдашга мўлжалланган.

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ**

## Инновацион лойиҳалар амалиётга

Кейинги йилларда кузатилаётган сув танқислиги деҳқончиликда омилкорлик билан иш юритиш, обиҳаётдан навбат билан фойдаланишни, яъни авангард тажрибаларини қўллашни тақозо этмоқда. Шунингдек, табиий намликни сақлаш, сув ва бошқа ресурсларни тежовчи замонавий технологияларнинг амалиётга жорий этилиши кутилган ҳосилни олишда муҳим аҳамият касб этади.



Мамлакатимизда инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз натижасини бераяпти. Буни куни кеча Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтган кўргазмада ҳам ҳис қилиш мумкин эди.

Соҳага алоқадор вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, тажриба-конструкторлик бюролари, машинасозлик саноати корхоналари, тижорат банклари, лизинг компаниялари ва илғор фермерлар иштирок этган ушбу тадбирда ўнлаб инновацион лойиҳалар маҳсули — техника ва технологиялар намойиш этилди.

— Уларнинг асосий қисмини табиий намликда кўчат ундириш ҳамда экин парваришида сув сарфини камайтирадиган технологиялар ташкил этади, — дейди Ўзбекистон механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари Халим Болтабоев. — Бизнинг мақсадимиз — сув тақчиллиги шароитида қўл келадиган технологияларни амалиётга жорий этиш. Маълумки, экинларни баргидан озиқлантириш ўз самарасини тезда намоён этди. Олимларимиз ана шу тадбирни амалга оширишда бир қатор қулайликларни ўзида жамлаган технологияни яратишди. Демакки, бу ҳам инновацион лойиҳаларга қаратилаётган эътиборнинг мевасидир.




Тадбир иштирокчилари ана шундай техника ва технологиялар билан яқиндан танишиб, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда қайси технологияларни амалиётга жорий этиш борасида келишиб олишди.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ**

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.


Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

*МУАССИСЛАР:*

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази**

